Собик Иттифок даврида динга карши кураш олиб бориш учун тузилган оммавий жамият. Унинг тарихи 1922-23 йилларда Худосизлар тугаракларидан бошланади.

Шулар заминида 1924 й. Москвада “Безбожник” (Худосиз) газетасининг дўстлари жамияти ташкил этилган. 1925 йил апрелида жамиятнинг биринчи Бутун иттифок съезди да Худосизлар иттифоки тузилган. Худосизларнинг иккинчи Бутун иттифок съезди дан (1929 й. Июн) бошлаб “Курашчан Худосизлар иттифоки” деб атала бошланган. Бу иттифокнинг юкори органи Бутун иттифок съезди да сайлаб кўюлувчи марказий кенгаш бўлган. У муассалар, ташкилотлар, ўкув юртлари, колхозлар, харбий кисмларда куйи ташкилотлар тузиб, улар оркали кундалик атеистик ташвикот юритган. Курашчан Худосизлар иттифоки ўша даврдаги барча иттифокдош республикаларда хам тузилган. Жумладан, 1925 йил ноябрда Ўзбекистонда Худосизларнинг республика съезди чакирилиб, унда Ўзбекистон Худосизлар иттифоки таъсис этилди. 1928 йилнинг сентябр-октябрида Худосизлар конференциялари ўтказилди. Курашчан Худосизлар иттифокининг иккинчи съезди дан сўнг Ўзбекистонда диний идеологияга карши кураш янада кучайтирилди. 1929 йили Тошкентда динга карши таргибот музейи очилди, кишлок чойхоналарида атеистик бурчаклар ташкил этилди. Ўзбекистонда Курашчан Худосизлар иттифокининг 1928 йилдан “Худосизлар” журнали, 1939 йилдан “Худосиз” газетаси чикарилган.